

АГРАР ТЕРМИНЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРЖИМАСИДАГИ МУАММОЛАР

Бурхонова Гўзал Мухаммадиевна

Тошкент давлат аграр университети

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти

Аннотация: ушбу мақолада аграр терминлар таржимасидаги эквивалентлик ва бошқа муаммолар, терминларнинг фаол лексикадан жой олишига сабаб бўладиган омиллар, аграр терминлар ва бошқа соҳа терминлари ўртасидаги боғлиқликлар, сунъий равишда ясалган эквивалентларнинг тақдири ҳақида сўз юритилган. Илмий матнларни таржима қилишда таржимон нималарга эътибор қаратиши лозимлиги кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: термин, терминология, атама, атамашунослик, таржима, фаол лексика.

Аннотация: ушбу мақолада аграр терминлар таржимасидаги эквивалентлик ва бошқа муаммолар, терминларнинг фаол лексикадан жой олишига сабаб бўладиган омиллар, аграр терминлар ва бошқа соҳа терминлари ўртасидаги боғлиқликлар, сунъий равишда ясалган эквивалентларнинг тақдири ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: термин, терминология, атама, атамашунослик, таржима, фаол лексика.

Аннотация: в данной статье говорится о проблемах эквивалентности в переводе аграрных терминов, факторах, способствующих терминам занять место в активной лексике, связи между аграрными терминами и другими отраслевыми терминами, судьбе искусственных эквивалентов.

Ключевые слова: термин, терминология, перевод, активная лексика.

Мустақиллик йилларидан бошлаб она тилимизнинг ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Аммо тарихга назар ташласак, ўзбек тилимизга ҳали мустақил бўлмасданок¹ биринчи Президентимиз И.Каримов саъй-ҳаракатлари билан давлат тили мақоми берилган. Шу кундан бошлаб давлат раҳбари ва ҳукумат томонидан она тилимизнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини тиклаш ва уни ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар бошланди, она тилидаги адабиётлар рўйхатини кенгайтириш, уларни нашр этиш, хорижий тиллардан ўгириш ишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланди; бу ўз навбатида, таржима ишларига ҳам туртки берди. Жумладан, ўзлашма сўз ва терминлар ўрнига уларнинг ўзбек тилидаги муқобилидан фойдаланиш тенденцияси кучайтирилди, хусусан термин сўзи ҳам атама, терминология – атамашунослик сўзлари билан алмаштирилди. Бироқ бу масалада ҳам олимлар, тадқиқотчилар ҳали-ҳануз бир фикрга кела олишмаган.

Ҳ.Дадабоевнинг “Ўзбек терминологияси” номли ўқув қўлланмасида “термин ўзлашмасининг таърифи билан атама ясамаси қамровини қиёслаш ҳар икки лексемани синоним тарзида ишлатишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади”, – деб ёзади¹.

Р.Расулов, Қ.Мўйдиновлар “Нутқ ва терминология” номли мақолаларида Ҳ.Дадабоевнинг юқоридаги фикрига қўшилишади: “термин”, “терминология” кабилар “атама”, “атамашунослик” лексемалари билан алмаштириб қўлланадиган бўлди, “атама”, “атамашунослик” каби тушунчаларнинг умумхарактерга эгаллиги эътиборга олинмади. Чунки “атама” дейилганда, ономастика (топонимия, антропонимия, ойконимия кабилар)га алоқадор лексик бирликлар ҳам тушунилади. Шунга кўра, аввалдан истъмолда бўлган байнамилал “термин” ва “терминология” лексемаларини қўллаш мақсадга мувофиқ².

¹ Dadaboyev H. O‘zbek terminologiyasi. – Toshkent, 2019. – 117 b. – B.38.

² Расулов Р., Мўйдинов Қ. Нутқ ва терминология. Электрон ресурс: <https://library.navoiy-uni.uz/files> Мурожаат санаси: 14.08.2024.

Терминлар таржимаси ҳозирги кунда замонавий тилшуносликнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Биз яшаётган **XXI** аср эса илм-фаннинг янада жадал ривожланиши, кун сайин эмас, балки соат сайин инновацион технологияларнинг, илмий ишланмалар сонининг ортиб бораётгани билан характерланади. Фанга кириб келаётган ҳар бир янгилик, маълум бир ном, термин остида кириб келади ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этилар экан, ўз-ўзидан давлат чегараларини босиб ўтиб, дунёнинг турли чеккаларига етади. Бу жараённинг амалга ошиши таржимонлар олдида ҳам масъулиятли вазифаларни қўяди. Илм-фанга оид сўзларни, терминларни таржима қилиш билан шуғулланадиган мутахассислар бунда шакл ва мазмуннинг мослигига, эквивалентнинг тилда ишлатилишига ва муқим ўрнашиб олишига эътибор қаратиши **лозим**.

Илмий матнларни таржима қилиш, эквивалентларни тўғри танлаш мутахассислардан доимо катта масъулият талаб қилади. Фанга оид сўзларни, терминларни тўғри таржима қилиш учун таржимон иккала тилни ҳам мукаммал билиши, матн тегишли бўлган фандан ҳам маълум даражада хабардор бўлиши лозим. Таржима амалиётида соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаш ҳам яхши натижа беради. Лекин кўп ҳолларда соҳа мутахассислари ҳам ўз фаолиятларида терминларни таржима қилмасдан ишлатишни маъқул кўришади. Шу ўринда таржимон бир эмас, бир нечта **мутахассисга** мурожаат қилиши ёки **манбалардан** изланишига тўғри келади.

Ҳозирги кунда терминларнинг тилда муқим ўрнашиб қолиши ва фаол лексикадан жой олишига оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Ва бунда тан олиш керакки, маълум бир терминларни таржима қилмасдан асл ҳолича ишлатиш ҳам амалиётда кенг кузатиладиган ҳодиса бўлиб, олимлар, илм-фан ўртасидаги тил тўсиқларини камайтиришга хизмат қилади (масалан: *интернет, мегабайт, трактор, самосвал, гербицид, пестицид* ва ҳоказо). Бироқ маълумки тил жонли жараён ва у бунда тахмин ва интилишларимизга

қарамасдан ўзининг табиий йўналишида ривожланишда давом этади. Масалан, Ватанимиз мустақиллигининг илк йилларида совет мафкурасиданми ёки тарихимизнинг маълум бир давриданми бутунлай воз кечишни истаган ҳолда оммавий ахборот воситаларида *самолёт* сўзи турк тилидан олиб *учоқ*, *тайёра*, аэропорт сўзи *тайёрагоҳ* деб, телевизор эса *ойнаи жаҳон* деб атала бошланди; *кўплаб* бошқа лексикамизда мустаҳкам ўрнашиб қолган русча ёки халқаро терминлар таржима қилинди. Аммо бу таржималар фақат оммавий ахборот воситаларида маълум бир муддатга қолиб кетди, фаол лексикадан эса ўрин олмади, халқ улардан сўзлашув тилида ҳеч қачон фойдалангани кузатилмади, чунки *самолёт*, *аэропорт*, *аэродром*, *телевизор* сингари сўзлар аллақачон лексикадан ўз ўрнини эгаллаб бўлган эди. Тўғри, анча олдин халқ оғзаки ижодидан кириб келган “ойнаи жаҳон” ибораси фаол лексикададан ўрин олмаса-да, бадиий-публицистик матнларда қўлланилади. Бу шундан далolat берадики, тилда ўрнашиб, яшаб қолган терминларни сунъий равишда ясалган синонимлари билан сиқиб чиқариш имконсиз уринишдан бошқа нарсa эмас.

Ўзбек тилида кузатилган бу жараёнлар ҳақида Ҳ.Бектемиров ва Э.Бегматовлар “Мустақиллик даври атамалари” номли мақолада “...*аэропорт*” термини ўрнида “қўналға”, “*тайёрагоҳ*”, “*бандаргоҳ*” терминлари ишлатила бошланди, “*институт*” термини “*олийгоҳ*”, “*илмгоҳ*”, “*билимгоҳ*” сўзлари билан алмаштирилди, “*журнал*” термини ўрнида “*ойнома*”, “*мажалла*”, “*жарида*”, “*ойбитик*” сўзларини ишлатиш тавсия этилди ва ҳ.к. “*Четпул*” (валюта), “*пултопар*” (бизнес), “*ҳужжасатасров*” (архив), “*нусхакаш*” (нотариус), “*нақлиёт*” (транспорт), “*малакасинов*” (аттестация) сингари янги ясамалар сунъийлиги, термин яшаш меъёрларига жавоб бермаслиги билан ажралиб турар эди” деган фикрни билдиришади³.

³Бектемиров Ҳ., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. – Тошкент, 2002.

Илмий таржима ҳақида сўз борар экан, А.Мадвалиев ва бошқалар “Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-иллюстратив луғати” устида ишлаш мобайнида “...халқаро терминларнинг.. ҳар бирига ўзбекча муқобил топишга ҳаракат қилишни ижобий ҳодиса деб бўлмайди”, деган хулосага келганлар⁴.

Илм-фанга оид терминлар таржимасига оид тадқиқотларни кузатар эканмиз, кўплаб тадқиқотчилар агротерминларни экотерминлар билан биргаликда, яъни агроэкотерминлар сифатида тадқиқ қилишганини кўриш мумкин, чунки кўплаб терминлар ва соҳага оид сўзларни қатъий равишда қишлоқ хўжалигига ёки экологияга тегишли деб иккига ажратишнинг имкони йўқ. Масалан, *тупроқ, шудгор, ўсимликлар, ҳаво, ёгингарчилик, ёмғир, қор, қуёш, об-ҳаво* ва шунга ўхшаш кўплаб сўзлар қишлоқ хўжалиги ҳам, экологияда ҳам **баравар** ишлатилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига оид сўзларнинг кўпчилиги, айнан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши манбалари бўлган дарахт, сабзавот, мева ва ўсимлик номлари ботаника терминлари ҳам ҳисобланади ва булар, ўз навбатида, тилнинг фаол лексик қатламига киради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Dadaboyev **Н.** O‘zbek terminologiyasi. – Toshkent, 2019. – 117 b. – B.38.
- 2.Расулов **Р.**, Мўйдинов **Қ.** Нутқ ва терминология. **Электрон ресурс:** <https://library.navoiy-uni.uz/files> **Мурожаат санаси: 14.08.2024.**
- 3.Бектемиров Ҳ., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. – Тошкент, 2002.
- 4.Мадвалиев **А.** ва бошқалар. Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-иллюстратив луғати. – Тошкент: “Donishmand ziyosi” нашриёти, 2020. – 280 б. – Б.10.

⁴ Мадвалиев **А.** ва бошқалар. Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-иллюстратив луғати. – Тошкент: “Donishmand ziyosi” нашриёти, 2020. – 280 б. – Б.10.